



Озода шийон. Чор атрофи сув, гўё оролдасиз. Нарироқда гулзор, полиз. Кўёи сели кишини кўйдурдики...

ЖАҲОН ПОЛВОН

ган эдик, бу йил тағни йигирма гектар яғни ер очиб, юз гектар жоғга чингит ташладики. Гектаридан қамиди қирқ центнердан оламиз...



Суратда: (чапдан) Бригаданинг илғор сувчиси Абдилхон Хамроев ва бригадир Жаҳон ака Бадалов ўртоқлар пахтазорда.

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ
№ 173 (2206). 31 август, жума, 1962 йил. Баҳоси 2 тийин.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР
ЧИНОЗ. «Коммунизм» колхозининг ўртоқ М. Қорабоев бошлиқ бригадаси аъзолари ўз имкониятларини чамалаб қўриб...

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРНИ КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛАЙЛИК

Пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида мўл ҳосил олаётган, чорвачилик махсулотлигини тизимли равишда кўзга кўрсатиш...

УРТА ЧИРЧИҚ

Бу йил Куйбишев номи колхозининг ўртоқ Ғ. Маталиев бошлиқ бригадасида 120 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда...

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГЛАР АРАФАСИДА

Кўналамзор водий сахарайларини салқин бўлади. Терракларнинг тепа шохлари ҳам сариқ тус олиб қолди. Механизаторларнинг шодона чеҳраси...

УКРАИНА КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Н. Г. ЗАГЛАДАНИНГ „ҒАЛЛАКОРЛИК ШАРАФИНИ ҚАДРЛАНИШ“ ДЕГАН МАҚОЛАСИ Тўғрисида
КНЕВ, 29 август. (ТАСС). Украина КП Марказий Комитети Житомир области, Чернышевский районидagi «Биринчи май» колхозининг аъзо бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Загладин «Правда Украины» газетасида босилган «Ғаллакорлик шарафини қадрлангиз» сарлавхали мақоласи ҳақида қарор қабул қилди...

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ БИР КУНИ» КИТОБИНИ ЯРАТАЙЛИК!

Ватанимизнинг барча халқлари шу йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг 40 йиллигини таъинлаш мақсадида...

Азиз дўстлар!

Сизлар журналистлар чинаршига қарор берган китобнинг ижодкорларини, шу сабабли бу китобнинг ҳамма манзури бўлиши сизларга боғлиқдир. Ўз хабар ва хатларингизни, шеър ва ҳикояларингизни юборингиз, 1962 йил 5 сентябрда рўй берадиган китобнинг ҳаммаси тўғрисида бизга хабар беришга ва ўз фикрингизча қилишга бўлган ва «Совет Ўзбекистонининг бир куни» китобига киритилиши лозим бўлган материаллар ҳақида, унингнинг тўққизлаштираётган қувончларини ва қизиктиратган нарсаларини ҳаммаси тўғрисида ёзиб юборингиз...

КОММУНИСТЛАР — ЭНГ ЯКИН ДЎСТ ВА МАСЛАХАТГУЙ

ПАРТИЯ
ТЕМАСИДА

БЕКБОД РАЙОНИДАГИ 1-„ДАЛВАРЗИН“ СОВХОЗИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ОММА ОРАСИДА



Хар бир коммунист сиёсий ташкилотчи бўлсин!

Ана шу шир остида областимизда бошланган қимматли ташаббус тобора кенг қулоқ ёзмакда. Қўнса бошлангич партия ташкилотлари бу ишга жиддий эътибор бериб, сиёсий ташкилотчилар ишчи яхшиламоқдалар. Ушбу саҳифада биз Бекобод районидagi 1-„Далварзин“ совхоз коммунистларининг сиёсий ташкилотчилик соҳасидаги дастлабки тажрибалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

шундай қодирлармас эди. Негаки, Абдужалил ҳозир ўз хатосига иқдор бўлгани билан кейинроқ ана уни такрорлаши мумкин.

— Мана қайтанг Ифдош акани мисолга олайлик, — деди Бекжон ака жиддий оҳангда, — кекса коммунист, 60 ёшга кирган бўлса ҳам ўз ихтиёри билан сувчилик қилган. Бўмаса ҳозир дам олиб, пенсияда юрадиган пайти. Ҳозир биласан, қандай ҳалол ишлашни. Ҳар ойда 110-120 сўмдан пул олайти. Нега энди сен бунақа қиласан? Бир ўнбеш кунликда 10 кун ҳам ишламабсан. Яна фалончи кўп олади-ю, менга кам ҳақ беришяпти дейсан. Қўнган

— Хўш, бутун ким қайси хонадонларда бўлди, қандай янгиликлар бор? — сўрайди совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Акбар Мирномиллов (чапдан учинчи). У сиёсий ташкилотчилар билан тез-тез суҳбатлашиб, тегишли маслаҳатлар бериб туради. Ким қайси хонадонда қандай темада суҳбат ўтказди, аҳолидан қандай истак ва талаблар тушди — бу масалаларнинг ҳаммаси партия ташкилотининг доимо диққат-эътиборида.

СОВЕТ кишилари коммунизм тантанаси сари дедил қандай ташаббус бораётган бир пайта киши кишига дўст, меҳрибон ва биродар деган шир мағур жаранглармоқда. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун меҳнат қилаётган. Шаҳар ва қишлоқларда жамоатчилик асосида ишлайдиган ташкилотлар тузилмоқда. Врачлар иш вақтдан ташқари пайтларда ўз ихтиёрлари билан бепул ишлайдилар. Жуда кўп мутахассислар лекция ва суҳбатлари билан хонадонларда меҳмон бўладилар. Қақ дружиналари, ўртоқлик суддари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммасида бир умумий мақсад: кишиларни коммунизм қўрғинининг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялаш мақсади бор.

Яқиндан бери ҳамма ерда сиёсий ташкилотчилар иш бошлаб юбордилар. Бу ҳам жамоатчилик асосларида ишларнинг бир формасидир. Уларнинг олдига жуда муҳим вазифалар турибди. Бекобод районидagi 1-„Далварзин“ совхозда коммунист ўртоқ Бекжон Мирзакаримов билан суҳбатлашдик. У сиёсий ташкилотчиларнинг вазифасини жуда афсона қилиб айтиб қўяёлади.

— Инсонда қандай ахши ҳислат бўлса, уни барча кишиларга синдиришимиз, янги жамят кишисини тарбиялашимиз керак, — деди у.

Дарҳақиқат шундай. Одам одамга дўст ва меҳрибон бўлган, биров тўғри йўлдан адасса, ноқўб иш қилиб қўйса ёки унинг бошига бирор ташвиш тўша, қандай қилиб бепарво қараб турамиз, ахир? 1-„Далварзин“ совхоз партия ташкилоти ҳисобидagi сиёсий ташкилотчилар худди шундай ўйлар билан яшамокдалар.

ОЙБУВИ ХОЛАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОММУНИСТ Ҳамидулла Мирраҳимовнинг бошида минг хил ўйрежа. Совхоз марказида Фарҳоддан келган электр нури мағмур. Бироқ у агрономлик қилаётган 4-бўлимда ҳали тоқ йўқ. Хонадонлар водопроводдан эмас, ариқдан сув ичишади. Айрим хўжаликлар эскириб қолган ўйларда яшапоти. Бутун кунчи деҳқончиликнинг ривож учун сарфлаётган ҳалол одамлар кўп. Лекин онда-сонда ишдан қочади ган, ўз вазифасини хўжақўрсинга бажарётган кишилар ҳам топилади.

Ҳамидулла Мирраҳимов навбатдаги суҳбатга отланди. Қўнган хонадонлар унинг суҳбатига ўрганиб қолган. Бир кам ечим ёки ойбуви хола Назарова уйда суҳбат қилиб кетди. Бу кекса аёла ҳар йили ўз хоҳиши билан совхоз ишларига ёрдам беради. Ишла курти боқди. Пигим-термада қатнашади. Олтмиш биринчи йилда у 5 тонна пахта териб берди.

— Бу йил ҳам ишламан, — дейди ойбуви хола, — мана кўриб турибсан, ясидаги болаларни боқибман. Улар орасида ўз невараларим ҳам бор. Бу йил кузда яна 5000 кило пахта териб бераман. Мен теришга терман-у, бугунда бир гап бор. Айтaversам майлими, болам?

— Айтaversанг, сиз она, биз боламиз. Орада яшири гап қолмасин.

— Теварак-атрофимизда эндигина менинг ярим ёшимга борган аёллар бор. Нима деса бўлади... улар уйда ўтиришибди. Тунов кун биттасини йўлда кўриб қолдим. Бир эмас, икки челада бозорга сўт-қатиқ олиб кетяпти. Ҳали чеканка пошириб қўйди, дедигизга. Ушлар бунни билиб тургандир. 3-4 кун далага чиқиб ёрдамлашмиса бўлмайми? Ойбуви хола кўп яхши гапларни — совхознинг ўй қуриб бергани, ҳозир кўеми билан қизи, невараларини бағрига олиб, беками-кўст яшаётганини айтиб, миннатдорчилик билдирган, пиравардида яна бир ялтмоси борлигини шамма қилди.

— Қани эштайлик-чи? — қизиқиб қолди сиёсий ташкилотчи.

— Кўриб турибсан, бир чиройли уйимиз бор. Дов-дарахт ҳам, сув ҳам етарли. Фақат электр чирогимиз йўқда. Булганда дилчилов олдираддим...

Шу гапдан кейин Ҳамидулла Мирраҳимов бу кичик қишлоқчага электр нури келтиришга қаттиқ киришди. Ҳозир симёғочлар тиклаб қўйлади. Яқин орада ойбуви холалар уйда ҳам Ильяч нури чарақлаб қолади.

Мирраҳимов ўзига биркитилган хонадонларга бормаи туриб, мен одамларга кўп нарсани ўргатаман деб ўйлаганди. Бу тўғри. Аммо баъзан ойбуви холадек кишилар унинг ўзига ҳаётдан дарс беришмоқда. Сиёсий ташкилотчи шуниндан жуда хурсанд. Ҳаёт кўп қиррали, сермазун. Одамлар орасида яшасан, уларга ўргатиш билан бирга улардан ўрганган кишигина турмушни тўлароқ тушунади.

Идеология соҳасида ишловчи ходим, агар у ҳақиқатан ҳам ўз фаолиятининг самарали бўлишига интилса, албатта омманинг сиёсий ташкилотчиси бўлиши керак. Иккинчи томондан, шу нарсани эсда тутиш керакки, ташкилотчилик ишининг асосий методлари кишиларни ишонтириш ва тарбиялашдан иборатдир. Идеология ишининг савиясини ошириш — бизнинг бутун амалий ишларимизда муваффақиятга эришишнинг сўзсиз шартидир.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

АБДУЖАЛИЛ НЕГА ЕРГА ҚАРАДИ

БЕКЖОН Мирзакаримов сувчилардан хабар олгани бериб, ҳол ахвол суриштирди. Гап ойлик иш ҳақида келиб тўхтаган эди. Биров тўқсон сўм, биров юз сўм олмади, дейди. Бироқ 3-бригада сувчиси Абдужалил Каримов ўтган ойда бор-йўри 40 сўм пул олганидан нолиди. Бекжон бу одамларнинг раҳбари — 6-бўлимда бошқарувчи бўлиб ишлайди. Совхоз партия ташкилоти уни сиёсий ташкилотчи этиб тайинлаган. Унга бирйўла 18 хонадон биркитилган. Шу эрининг раҳбари, сиёсий ташкилотчиси бўлатуриб, бундай ишлардан хабари йўқлигидан ҳижолат торди. Тўғри, Абдужалил Каримов ахён-ахёнда ишдан қолиб ҳам туради. Аммо нега у бошқалардан икки-икки ярим баравар кам ҳақ олади? Шуниси уни таажубга солди.

Юзани қараганда Каримов ҳақ эди. У ўз гапларини далиллар билан тасдиқлади. Бунинг учун у эрта кўламада бўлган бир воқеани мисол келтирди.

— Чингит экаётган эдик, — дейди у, — мен сейлакчидан, Мамажон чингит олиб бериб турувди. Тракторнинг бир нарсаси синиб қолди. Устахонадан олиб келишга ёрдамлашш керак эди. Мен чарчадим сен олиб келгин, Мамажон, дедим. У гапимга қўнмади. Кейин ўзим олиб келдим. Қаранг, шу ҳам одамгарчиликми?

Сиёсий ташкилотчи суҳбат бошида Абдужалилнинг гапларига ишонган эди. Кейинги гапларини эшитиб ўйланиб қолди. Хўш, нега у Мамажонни ишқмас деб исботлаш учун бундан ярим йил илгари ўтган воқеани эслади.

Мирзакаримовни иккилантириб қўйган бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Абдужалилнинг шериклари аввал унинг гапларини эшитиб турдилар. Кейин эса уларнинг баъзилари эътироз билдирди.

Эртасига сиёсий ташкилотчи ана шу бригадага келди. Унинг қўлида июль ойи учун тузилган ведомость ва бошқа ҳужжатлар бор эди.

— Буюққа кел-чи, Абдужалил, — мулоимгина гапирди Бекжон ака, — мана ишлаган меҳнатинг, мана олган ҳақинг. Ҳаммасини бирма-бир ўқиб берайлик, ёки...

Абдужалил бошлиқда тик боқолмай, бошини қуйи солди. Бекорчи гаплар гапириб, иш ўрнига гап сотиб юрганидан уялди, албатта. Бироқ сиёсий ташкилотчи бу ишни

оқ, саводинг бор. Гапга чечасан. Уялмайсанми шунақа иш қилишга? Қўй, ука. Яхши ишла. Прогоу қилма. Мулла мирраҳим, ҳолига ярашур, дейдилар. Қанча иш қилган бўлсанг ўшанча ҳақ эсанган.

Абдужалил ўридан қўзғалмай, ерга қараб қолди...

ИЛЬИЧ ЧИРОҒИ ЁНДИ

БИР боғки, таърифиға сўз топилайди. Шарқираб оқабган ариқ лабидан то ҳовлигача чўзилган йўлакнинг икки чети гайдиловор. Ҳар бири чини пиледек шафтолилар, оғзингизда ариқ кетадиган ҳўсайи, чарослар. Тоқзорнинг бир четида семизликдан думбасини кўтара олмай диган 2 кўй, ситир, бузоқ, Кенг ҳовли, сўлим суналар. Уй ҳам ахшигина...

Бу жой пенсионер Талиб ота Юнусовники экан. Совхозда ўнла-қиллар ишлайди. Ҳам ҳам боғи яқинидаги пахтазордан чиқмайди. Иш пошириб қўйган пайта кетмон тутиб, сув ҳам тарайди.

Бир кун Талиб ота камбири билан гап айтишиб қолди. Сабаби ҳам қизиқ. Июлнинг охири экан. Боғдаги экинларни ўт бесиби кетибди. Ота бўлса, қўй, молларига бир-бир ярим чақирим ердан ўт кўтариб келади. Мана бу ўтлардан олсангиз, ҳам боғимиз тоза бўлади, ҳам жонингиз қоймайди деб жинг-бийрон бўлди хотини. Талиб ота аввал кулиб тураверди. Қараса бўлмай диган. Шундагина ёрилиб, бор гапни тушунтирди.

— Биласанми, хотин, агар патха ахши бўлганда, мана бу боғ-роғларинг бир пул. Юртинг бойлиги — сенинг бойлигинг. Пахта ҳосили мўл бўлса ая тўди. Юртада тўй қўнади. Бизнинг ҳам кўнглимиз бутун бўлади. Ҳўзаларни ўт бо'сиб кетибди. Ҳар кун 3-4 уйнинг ўридай жойни тозалла, ўтини юдиб келаяман.

Сиёсий ташкилотчи Абдугани Собиров шу оғда бир неча марта кириб, ҳол-ахвол сўради, суҳбат қилди. Қараса шундай боғ, келишган ҳовлида кечаси керосин лампа ёқиб ўтиришибди. Суриштирса симёғочни ҳам ўрнатилган у, электр сими йўқ эмис. Абдугани ака ёрдам берди. Икки кундан кейин Талиб ота ҳовлисида адектр чироғи ёнди.



Сиёсий ташкилотчи Ҳамидулла Мирраҳимов ҳар бир кишининг кўнглига йўл тоша олади. Шунинг учун ҳам унинг суҳбатидан барча мамнун. Ўртоқ Мирраҳимов хонадонларнинг азиз меҳмони. Сурагиди: Ҳамидулла Мирраҳимов совхознинг кекса ичкиси Ойбуви хола билан суҳбатлашмоқда.

МЕХАНИЗАТОРНИНГ ЯНГИ УЙИ

СИЁСИЙ ташкилотчилар уй-жой қурилиши ҳақида гап-хўрлик қиломоқдалар. Абдугани Собиров ҳам бунга катта эътибор берапти. Сувчи Маматқул Алиматовнинг дастғери йўқ. Ҳам ишда. Уйи эскириб қолган. Абдугани ака бу аҳолини бўлим раҳбарларига тушунтирди. Тез кунда ёрдам уюштирилди. Ҳозир янги уйнинг пойдевори тикланди, гишт терилляпти. Сами Чўтибоев, Пулат Қобиловага ҳам шундай ёрдам уюштирилди.

Механизатор Маҳкам Раҳимқулов 6-бўлимда ҳалол меҳнат қилади. Ониси Марям хола Турсунматова 12 неварга кўрган. Бу кенжа ўганини ҳам тезроқ уйлантириб, орау-ҳавас кўрмоқчи. Аммо янги оилага янги уй керак. Марям холанинг шундан кўнгли тўламай тургани. Бу ишда ҳам сиёсий ташкилотчилар ёрдамга келдилар. Янги уй ҳақида маслаҳатлашиб олишди. Баъзи бировлар капитал ремонт қилсақ, дейди. Бунга ҳам аяча пул кетади. Яна шу томони борки, бундай қилинганда орадан 3-4 йил ўтгач, барбир уни бузиб, янги уй қуриш керак. Яхшияни янгидан қурамиз, деган қарорга келишди.

Ҳозир кўй-келин учун аталган уй ҳам битди. Ҳосилга ҳосил қўшиб қўнғил жойига тўша бас. Тўй бошланади. Бунда ҳам сиёсий ташкилотчилар бош бўлишади.

ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА ҚЎНЖИГА

СОВХОЗДА илгор бригада ва бўлимлар кўп. Хўжалик бўйича 4200 гектар ерга чингит экинган. Мажабурият — ҳар гектар ердан 28 центнер, 6 та бригада — ҳар гектар ердан 35 центнердан юқори, ўртоқ Олимжон Исроиллов бошлиқ бригада эса 45 центнердан ҳосил ештириши мажбуриятини олган. Кўп ерда мажбуриятга яраша ҳосил бор. Аммо 7-бўлимда ахвол оғирроқ. Ер ҳам илгич, қўнмоқ. Бу гун суғорилган, эртага ана чанқайди.

Ҳўза сувталаб, бўлиб айрим ерларда ҳосил тўкила бошлади. Коммунистлар ўйлаб қолдилар. Бир томонда ҳосил мўл, яна бир томонда ҳосил нобуд бўлмоқда. Бизнинг замонамизда ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун меҳнат қилиши керак ахир. Шу мулоҳаза билан 7-бўлимга ёрдам уюштирилди. Совхознинг энг яхши сувчиларидан 25 киши 10 кун давомнда бўлим гўзаларига сув таратдилар. Ҳосилнинг нобуд бўлишига чек қўйилди.

Шунга ўхшаш ишларни сиёсий ташкилотчилар уюштирмоқдалар. Уларнинг бири кўп болали онага ёрдам бериб, бири болалар асиллари ва боғчаларидан хабар олиб турибди. Яқинда марказий боғчада юмоқ инвентар ва ўйинчоқларнинг камлиги, кийимларнинг эскириб қолганлиги аниқланди. Сиёсий ташкилотчилар бунга ҳам бугун-эрта ҳал қиладилар.

ЧИРЧИК ШАХРИДА

КИМЕГАРЛАР ДАМ ОЛИШ УНИ

Қалин ўрмонли Оқтошнинг хушманзара ва баҳаво жойида электротехника комбинати профилектория — дам олиш уйи очилган эди.

ЯНГИ УЙЛАР

Бинокорлар ҳар бир шаҳарнинг ҳуснига-ҳусн қўшишади. Шаҳардаги 180-қурилиш трестининг сергайрат бинокорлари ҳам шу йил-

нинг ўзида 7 та кўп квартиралли ҳашаматли уйни фойдаланишга топширдилар. Бу уйларга 400 га яқин оила кўчиб келди.

СЕВИМЛИ КУТУБХОНА

Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати шаҳарчасига жойлашган 7-кутубхона ҳозир гавжум бўлди.

Т. ҒУНОВ.

Ҳужумчилар бўшлик қияпти

Бутунитифок футбол чемпионатининг навбатдаги турида пахтакорчилар Бокунинг «Нефтяник» командаси билан учрашдилар.

28 августда бўлган бошқа ўйинларнинг яқини қуйидагилари: «Қайрат» билан «Даугава» ва «Авангард» билан «Спартак» (Москва) учрашувларида ҳам ҳисоб очилмади.

Москванинг «Локомотив» командаси дарвозасига 3 та жаҳобсиз тўп киритиб, темирўқчиларнинг олтин медал учин курашувчилар сафига тушиш интижларини пулча қириб юборди.

«Пахтакор» салкам бир ярим ойга қўзилган узоқ сафардан қайтди. Номандизм бошқа шаҳарларда ўтказилган тўрт матчдан атиги 2 очко олди.


Table with 4 columns: Group, Name, Points, Goals. Includes 'Биринчи гуруҳ' and 'Иккинчи гуруҳ' sections.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областада ҳавонинг очиқ бўлиши кутулади.

ТОШКЕНТ ОБИ-ҲАВО БЮРОСИ

Суратда махсус милиция ўрта мактабининг биринчи рақаридан ташкилотнинг курсантлари билан суҳбатлашмоқда.



Тезлаштирилган ўқиш синфи

Тошкентнинг Киров районидаги 16-синфи ш л а р мактабидан янги ўқув йилидан бошлаб тезлаштирилган ўқиш синфи ташкил этилди.

Ўқишга қабул қилинганлар 2,5 йил (5 семестер) ичида 8 йиллик программани тугатиб гувоҳнома оладилар.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ.

Ўқувчиларга совға

Куйбишев районидagi Ангрен кўчасида типовой лойиҳа асосида қурилган янги мактаб биноси қад кўтарди.

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик қилинган бу мактабда эртага ўқушлар ушшоқлик билан бошланади.

С. ЯХИН.

БОРОДИНО МАЙДОНИ ШУ КУНЛАРДА

Яқинда кунлари велосипедчилар тўдаси, экскурсиячилар тушган автобус ва автомашиналар Можайск ва Минск тош йўли бўйлаб Бородино майдо-нига йўл оладилар.

Рус халқи тарихида ёрқин саҳифани ташкил этган кун — Бородино жангининг 150 йиллиги куну яқинлашиб келмоқда.

Москванинг фарб томонида, 125 километр узоқликда жойлашган Бородино майдои 1812 йилдаги Ватан урушида рус халқи кўрсатган қаҳрамонлик-нинг удугворлиги ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий эиёрат жойига айланган.

Бородино майдои на фақат 1812 йилдаги қаҳрамонона воқеалар хотирасини ўзида сақламоқда, бу ерда 1941-1945 йиллардаги урушнинг ҳам жу-да кўп ёлгорликлари бор.

1812 йил 5 сентябрда дахшатли жанг қайнаган тарихий Шевардинский истеҳкомида орадан 129 йил ўтгандан сўнг яна янги дахшатли жанглар бўлди.

Музей ва майдондаги бошира тарихий ёлгорликлар аллақачон тиклаб қўйилган.

Мағозат билан ҳимоя қилинлар. Раевский батареяси жанг қилган жойда тўғри наводна билан йўл очинга мўжлашганга совет артиллериячиларининг позицияси жойлашган эди.

Гитлерчилар музейга тўп қўйдилар ва кўпгина ёлгорликларга эиён етказдилар.

Рус қурулининг шон-шухратида ҳимоя қилувчи ва халқ кўли билан яратилган ва ёлгорликлар ҳақинда кўп бўлиб кетмайди.

МИЛИЦИЯ КАДРЛАРИ ЎЧОҒИ

Бугун республика жамоатчилиги Тошкент милиция махсус ўрта мактабининг 30 йиллигини кенг нишонлайди.

Бу мактаб ўз шонли тарихига эга. 1932 йили партия ва ҳукуматнинг қарорига биноан ишчи-деҳқон милицияси тарихий ўрта ошмактаби ташкил этилган эди.

Дастлабки йилларда чекист кадрларини тайёрлашда катта қийинчиликларни енгишга тўғри келди: дарсликлар йўқ, ма-лакали кадрлар етишмас, мак-таб ярим ерғула бинода жой-лашган эди.

1952 йилдан Тошкент милиция мактабининг татомлаб чи-қувчиларга юрист ихтисослиги ва диплом бериладиган бўлиб, билим тури милиция ўрта мак-табига айланган эди.

Милиция мактаби йилдан-йилга ўсмоқда, мустаҳкамлан-

моқда. У 30 йил мобайнида ички ишлар министрлигининг йирик ўқув юртига айланди.

Милиция мактабидан қўл-нинг сонли мадалли, қар то-монлама тайёрланган бўлган ходимлар етишиб чиқибди.

Ҳозир Тошкент милиция махсус ўрта мактаби юқори ма-лакали ўқитувчилар, яхши жи-ҳозланган кабинетлар, кенг синфлар, қизил бурчак, лекция залли, фотолaborатория ва бош-қа ерданчи хоналарга эга.

Тошкент милиция махсус ўрта мактабининг 30 йиллигини нишонлаётган коллектив ре-спублика ички ишлар министр-лиги органлари учун маалакли кадрлар етиштириб бериш каби маъсулйатли вазифани бажаришга ўзининг бутун кучи ва гайратини сарфлашга тайёрдир.

Р. ҲОШИМОВ.

Халқаро ах,вал

Н. С. ХРУЩЕВ НУТҚИ ҲИНДИСТОНДА 14 ТИЛДА НАШР ЭТИЛДИ

ДЕХЛИ. 29 август. ТАСС мухбири В. Маташ хабар беради: СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевнинг Елпасага курулсаланиши ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон конгрессида сузлаган нутқи тексти Ҳиндистонда ўн тўрт асосий ҳинд тилларида брошюра қилиб, 250 минг нусха нашр этилди.

Н. С. Хрущевнинг тинчлик вакиллари буюк форумда сузлаган нутқи Ҳиндистоннинг прогрессив жамоатчилиги ўртасида эўр иқизиш тугедримокда.

Уштан яқинбоа кувни Деҳлида тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган икки мингта бўлиб ўтди. Ботиблар совет кишиларининг ва шаксан Н. С. Хрущевнинг тинч-ликни мустаҳкамлашдан иборат олижаюб ва муқаддас ишга қўшаётган хисаси ҳақида гапирганларидан ҳам сафар залла тасвирлар бўлиб турди.

«ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАР» ҲАДДИДАН ОШМОҚДА...

лар пунктига босқинчилик қилинган ситгани «номаълум шахслар» «Сельская жизнь» газетасининг мухбирлар пунктига осонгина киришган: эшикдан кулф бўзилган эмас, у калит солиб очилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

НОНОРМАЛ ВАЗИЯТ

ВАШИНГТОН. 29 август. ТАСС. СССРнинг АКШдаги элчихонаси кейинги кунларда Нью-Йоркдаги бир қанча совет мухбирларининг хизмат биноларига номаълум шахсларнинг гайри-қонуний кириш холлари бўй берганлигини кеча АКШ давлат департаментига маълум қилди.

СССР элчихонаси бу хил ҳаракатлар қўшма Штатлардаги совет мухбирларининг иши учун нонор-мал вазият тугдираётганлигини таъкидлади.

ЭФИОПИЯНИ ИНДУСТРИЛАШТИРИШГА ҚўШИЛАДИГАН ҲИССА

АДДИСА-АББЕБА. 29 август. ТАСС. Бу ерда Ассаб шаҳрида йилгига 500 минг тонна ош нефти ни калта ишлаб берадиган заводни проектлаш ва қуриш тўғрисида контракт имзоланди.

Мустамаккачилик тўғрисида Чили студентларининг делегацияси тақдир қилган резолюцияда конгресс дунёнинг турли қисмларида ва хусусан Африкада яқинда мустақилликка эришган халқларни чин қўйиладиган таъриқлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

«Правда» газетасининг мухбирлар пунктига босқинчилик қилинган ситгани «номаълум шахслар» «Сельская жизнь» газетасининг мухбирлар пунктига осонгина киришган: эшикдан кулф бўзилган эмас, у калит солиб очилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР СОЮЗИНИНГ VII КОНГРЕССИ ЎЗ ИШНИ ТАМОМЛАДИ

ЛЕНИНГРАД. 29 август. ТАСС. Магъзала ва саҳифаси фўзгалик китоб тасвири қўйилган ўз ишини тугдиришга йирик қарор қилмоқ учун ўз куч-гайратларини ва билимларини сарфлаш — бизнинг муқаддас бурчи-мизидир.

Конгресс қатнашчилари Камерун делегациясининг «Конгресс ўз ишини тугдиришга йирик қарор қилмоқ учун ўз куч-гайратларини ва билимларини сарфлаш — бизнинг муқаддас бурчи-мизидир» қарор қилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

«Правда» газетасининг мухбирлар пунктига босқинчилик қилинган ситгани «номаълум шахслар» «Сельская жизнь» газетасининг мухбирлар пунктига осонгина киришган: эшикдан кулф бўзилган эмас, у калит солиб очилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

бугун дунёда мустаҳкам тинчликни, озолик ва тараққиётни барқарор қилмоқ учун ўз куч-гайратларини ва билимларини сарфлаш — бизнинг муқаддас бурчи-мизидир.

90 мамлакат студентлари делегацияларининг Ленинградда йўллаган маъмулоти. Совет Иттифоқи халқи ва ёшларига тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликка интилиши тўғрисида ҳодир, дейилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

«Правда» газетасининг мухбирлар пунктига босқинчилик қилинган ситгани «номаълум шахслар» «Сельская жизнь» газетасининг мухбирлар пунктига осонгина киришган: эшикдан кулф бўзилган эмас, у калит солиб очилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕЛЕВИЗОР 31 АВГУСТДА. Ўзбек тилида: 18.30 — Ўртага мактабга, 19.05 — Телевизион ёнгиликлар, 19.20 — Истиқбол йўли номи билан фильм.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТЕАТР. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да Богчасарой фонти, I/IX да Русалка.

КИНО. «Ору» квартили — «ВАТАН», НАВОИЙ номили (кундуз ва кеч-курун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«Қазаб Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сур» бирлашган наприетининг боғмаҳоваси, Намр, Г. 1669.